

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

КРЕДИТ-ИҚТИСОД ФАКУЛТЕТИ

“БАНК ИШИ” КАФЕДРАСИ

РЕФЕРАТ

Мавзу: “Валюта курси ва унга таъсир этувчи омиллар”

**Бажарди: КБИ-76 гуруҳ талабаси
Ботирова Ш.**

Текширди: Эрназарова М.

Тошкент - 2016

Валюта курсининг халқаро иқтисодий муносабатлар тизимидаги ўрни ҳақида сўз юритилишидан унинг мазмунини аниқлаштириш мақсадга мувофиқдир: валюта курси (инглизча, «rate of exchange») – мавжуд бўлган миллий валюта пул бирлигининг бошқа бирор хорижий давлат валюта пул бирлигида акс этган қийматига айтилади. Валюта курси иқтисодиётда бўлиб ўтадиган барча иқтисодий ва молиявий инфратузилма қонун-қоидаларнинг ўзгариб туриши, хусусан, барча молиявий операциялар, умумдавлат миқёсида товар айирбошлаш, савдо ва тўлов балансларининг иқтисодий барқарорлик ёки нобарқарорлик жиҳатлари ва умуман олганда, “фундаментал сатҳи” валюта курсининг реал қийматини келтириб чиқаради. Умуман олганда, бирон-бир мамлакат иқтисодиётининг қандай даражада эканлигини унинг валюта курсидан билиб олиш мумкин. Моҳияти жиҳатидан бирон-бир давлатнинг валюта курси нафақат сотиб олиш қобилиятини белгилаб беради, балки мазкур мамлакатда олиб бориладиган жорий ва яқуний ҳисоб-китоблар, бухгалтерия инфратузилмасидаги ҳисоблар, умумдавлат статистика ҳисоб-китоблари, валюта биржасидаги олиб бориладиган таҳлиллар, ҳамда юқоридагиларга асосланган ҳолда келгуси молиявий йил ҳолатлари прогнозлаштирилади. Валюта курси прогнозлаштирилаётганда, мамлакат бюджети, кутилаётган инфляция ва ишсизлик даражалари тахминий ҳолатда намоён бўлади. Валюта курсининг халқаро иқтисодий муносабатлар тизимидаги ўрни ҳам ғоятда муҳимдир. Чунки, ҳар қандай халқаро иқтисодий операциялар бирон-бир миллий валютанинг бошқасига айрибошланиши билан боғлиқдир.

Ҳар қандай халқаро битим ўзаро ҳисоб-китоблар билан кузатилиши сабабли биринчи навбатда, уни қайси пул бирлигида амалга ошириш масаласи туради. Шунинг учун, битим иштирокчиси жаҳон бозорида бирон-бир товар ёки хизматини сотар ёки сотиб олар экан, ўзининг миллий валютаси бошқа мамлакатларнинг пул бирликлари билан қандай нисбатда эканлигини, улардан қайси бири барқарорроқ ва жаҳон бозорида қай

даражада талабга эга эканлигини билиш керак. Бу унга хорижда ташқи иқтисодий операцияларга олиб боришга зарур валюта захирасини ўзида яратиш имконини беради. Мамлакатлар ўртасида товар ва хизматлар оқими кўпайган сари, пул-молия воситалари айрибошлаш ҳам, товар хажмини кўпайтириб боради, ўзаро ҳисоб-китоблар мураккаблашади. Натижада, бундай ҳисоб-китобларни тартибга солиб туриш, тезлаштириш ва капитал ҳаракати учун кенг йўл очишга хизмат қилувчи жаҳон валюта тизимини шаклланишига объектив шарт-шароит яратилади.

Жаҳон валюта тизими тарихан мамлакат ичида ва ташқарисида нормал тўловларни таъминловчи миллий валюта тизимларини ривожланиши асосида юзага келган. XIX аср бошларида турли мамлакатлар ўртасида халқаро айрибошлашнинг кенгайиши, уларнинг миллий валюта тизимлари ўртасида ўзаро алоқаларни таъминлаш зарурлигига олиб келди. Дастлаб, бундай ўзаро алоқа олтин стандарт базасида амалга оширилди, яъни олтин пулнинг асосий шакли бўлган пул тизимида олиб борилди. Олтин стандарт киритилган мамлакатларда давлат қонуний тартибда миллий валютада олтиннинг миқдорий ҳажмини ўрнатади, ички бозорда муомалага чекланмаган миқдорда олтин тангаларни чиқаради, бошқа пуллар унга нисбатан бўйсунувчи роль ўйнайди ва исталган пайтда олтинга эркин айрибошланиши мумкин бўлади. Ундан ташқари давлат барча товарлар баҳосини олтин бирлигида ҳисоблайди, олтинни эркин олиб келишга ва олиб чиқишга руҳсат беради. Демак, миллий валюта баҳоси олтинга боғланган экан, биринчидан, ҳар бир мамлакат ҳукумати олтин билан таъминланиши мумкин бўлган миқдорда қоғоз пулларни чиқаришга ҳаракат қилади, бу эса ортиқча пул эмиссиясини ва у билан боғлиқ равишда инфляцияни тўхтатиб туради; иккинчидан, турли миллий валюталар ўртасидаги ўзаро нисбатлар қайд этилган, нисбатан доимий бўлиб, халқаро ҳисобларда барқарорликни таъминлайди. Бунга мисол тарзида қуйидагини келтиришимиз мумкин: агар 1929 йилда 1ф.с.=7,32 г. соф олтинга тенг бўлган бўлса; 1\$=1,5 г.соф олтинга тенг бўлган бўлса; у ҳолда улар орасидаги ўзаро нисбат ёки олтин паритети

(тенлиги) 1ф.с.=4,86 АҚШ долларни ташкил этади. Кейинчалик, барча мамлакатлар томонидан қоғоз пулларни олтинга алмаштириш тўхтатилди, унинг муомала соҳаси кескин торайиб, улгуржи ва халқаро оборотлар билан чекланди, олтин билан бўладиган операцияларни фақат марказий ва йирик хусусий банклар амалга оширадиган бўлдилар.

Бреттон – Вудс шартномасининг хусусияти шундан иборат эдики, унда олтиннинг миллий валюталар қийматини ўлчаш инструменти, халқаро резервларнинг асосий шакли ва тўлов баланси тақчиллигини қоплаш воситаси сифатидаги роли қайта тикланган. Аммо, бу вақтда АҚШ доллари халқаро валюта муносабатларида асосий роль ўйнагани сабабли, олтинга нисбатан эркин айрибошланди, яъни бу валюта курси амалда халқаро тўловларда олтиннинг тенг ҳуқуқли эквиваленти бўлиб чиқа бошлади. Давлатлар қабул қилинган қоидаларга амал қилган ҳолда ўз миллий валюталарининг олтин миқдорини ўрнатдилар ва шу билан уларнинг бозор курси ҳам олтинга, ҳам долларга нисбатан қайд этилди. Валюта курсининг иқтисодий мазмуни ва халқаро иқтисодий муносабатлар тизимидаги ўрни ҳақида бир қатор мазкур иқтисодий йўналишга оид ёзилган адабиётлар муаллифларнинг ва замонамиз машҳур иқтисодчиларининг фикрлари, қарашларини куриб чиқамиз:

И.А. Каримов, Ўзбекистон Республикаси Президенти «Миллий валюта – бу миллий ифтихор, ғурур туйғуси. Истар эдимки, Ўзбекистон Республикаси миллий валютасига бўлган талаб дунёнинг барча давлатларида юқори бўлсин», деган фикрни билдиради.

Бозор иқтисодиёти шароитида валюта курсининг иқтисодий мазмуни, аҳамияти ва халқаро иқтисодиёт муносабатлари тизимидаги роли ғоятда муҳим, ўзгача мураккаб иқтисодий инфратузилманинг олди кўрсаткичларидан бири сифатида шаклланди. Бевосита, бу жараёнда ҳукуматнинг миллий валюта курсини назорат қилиб туришда иқтисодий инструменти бўлмиш Марказий Банкдан кенг равишда фойдаланилади. Ўз навбатида, Марказий банк миллий валюта курсини назорат қилиш ва

ўрнатиш вазифасини амалга ошириш мақсадида «протекционизм» сиёсатини олиб боради. Хар бир давлат жорий давр келгуси йил учун махсус пул-кредит сиёсатини ишлаб чиқади. Бевосита, мазкур сиёсатни ишлаб чиқаришда миллий валюта курсининг йиллик ўртача кўрсаткичи аниқланади. Зарур ҳолларда, ушбу кўрсаткич қайта кўриб чиқилиши мумкин. Бозор иқтисодиёти шароитида валюта курсининг зарурияти қуйидагича:

Миллий валютанинг реал барқарорлашуви экспортчи–корхоналарнинг даромадларини пасайтиради. Чунки, миллий валюта даромади эквивалентининг ўсиши, ички нархлар ўсишига тўғри келмайди.

Миллий валютанинг арзонлашганида мамлакат иқтисодиёти қуйидаги бир қатор қийинчиликлар билан тўқнашади:

- нархларнинг ўсиб кетиши;
- импортнинг қимматлашуви;

Аммо, масаланинг иккинчи тарафи ҳам мавжуд. Бундай ҳолатда:

- экспорт хажми барқарор кўрсаткичларга эришади;
- иқтисодий ўсиш кузатилади;
- тулов баланси барқарорлашади.

Хукумат томонидан мамлакат миллий валюта курси, ўзининг реал қийматидан баландроқ белгиланиши, нархларнинг ижобийлигини топади (ички нархлар бир оз муддат ичида ошмай туради; буни, «инфляция якори» деб аталади), импорт барқарорлашади. Аммо, тулов баланси ва иқтисодий ўсишнинг ёмонлашувига олиб келади. Миллий валюта курси турли чет эл валюталарига нисбатан вақти-вақти билан турлича ўзгариб туриши кузатилиши мумкин. Бунда, миллий валюта курси кучли валюта курсларига нисбатан пастга, кучсиз валюталарга нисбатан эса юқори поғоналарга силжиши мумкин. Шунинг учун ҳам, миллий валюта курсининг динамикасини аниқлаш учун кўпгина иқтисодчилар валюта курси индексига муурожаат қиладилар. Уни ўз навбатида, ҳисоблашда хар бир валюта ўша давлатдаги ташқи иқтисодий муносабатлар, контрактлар хажмига мос қилиб ҳисобланади.

Халқаро амалиёт шуни кўрсатадики, кўпгина ривожланган мамлакатлар йирик хажмга эга бўлган ички бозорга эга бўлиб, ўзларининг миллий валюта курсларини бир оз юқорироқ белгилашни афзал кўрадилар. Бунда, арзон ва сифатсиз импорт маҳсулотларидан воқиф бўлиш учун протекционистик савдо сиёсати қўлланилади. Ривожланаётган мамлакатларда аксинча, уларнинг иқтисодий ўсиш стратегик йўллари асосан, экспорт ҳажмини кенгайтиришга маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларини қўллаб-қувватлаган ҳолда, сунъий равишда миллий валюта курсини пасайтиришга ҳаракат қиладилар. Мисол учун, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида, хусусан, Жанубий Корея, Тайвань, Таиланд, Сингапурларда бир неча ўн йилликлар мобайнида экспортга йўналтирилган иқтисодий сиёсат юритилиб, бу мамлакатларда миллий валюта курслари реал курсдан тахминан 40 % пастроқ ўрнатилган.

Ҳозирги кунда, Ўзбекистон Республикасида валюта бозоридаги ҳолатни либерализациялаш, чет эл инвесторлари учун қулай ва очиқ шароитни барпо этиш энг муҳим ва долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Мазкур шароитни яратиш учун, инновацион лойиҳалар хусусан, Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки, Халқаро Валюта Фонди, Халқаро Молия Корпорацияси, Осиё Тараққиёт Банки ва бошқа кўпгина халқаро молиявий муассасалар билан ҳамкорлик алоқалари амалиётга жорий этилмоқда. Ушбу халқаро ташкилот ва муассасалар ёрдамида Ўзбекистон Республикасида ягона валютавий Қонунчилик базаси ишлаб чиқилди.

2003 йил 15 октябрдан Ўзбекистон Республикаси Халқаро Валюта Фондининг VIII моддасини қабул қилди ва амалда мазкур модда ижросини таъминлади. Бу модда Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси «сўм»нинг барча халқаро жорий валюта операцияларида 100% лик конвертацияга эгалигини амалдаги тасдиқи бўлди.

Валюта курсининг ўрнатилиши бўйича қуйидаги турлари мавжуд:

1. Мустақил («тоза») сузиб юрувчи валюта курси тизимида мазкур курс бозордаги талаб ва таклиф таъсирида шаклланади. Бошқариладиган сузиб

юрувчи валюта курси тизимида эса, талаб ва таклифдан ташқари валюта курси катталигига мамлакатлар Марказий банклари ва турли хил вақтинчалик бозордаги салбийликлар катта таъсирларини ўтказадилар.

2. қатъий белгиланган курслар тизимида Бреттон-Вудс валюта тизими (1944-1971 йиллар) мисол бўла олади. Мақсадли зоналар тизими фиксирланган валюта курслари фикрини ривожлантиришга хизмат қилади. Бунинг мисолида, АҚШ долларига Россия рублининг 1 АҚШ доллари (салбий ҳолатда, аввалги вақтларда) 5,6-6,2 рубль атрофида фиксацияси келтириш мумкин.

-Жадвал.

Валюта курси турлари таснифланиши.

№	Таснифлаш белгиси	Валюта курси турлари
1.	Белгиланиши бўйича	Сузиб юрувчи қатъий белгиланган Аралашма
2.	Ҳисобланиши бўйича	Паритет Фактирланган
3.	Операция бўйича	Спот операциялари муддатли операциялар
4.	Ўрнатиш жойи бўйича	Расмий Биржа Биржадан ташқари
5.	Валютанинг харид қобилияти паритетига нисбатан	Юксалтирилган Пасайтирилган Паритетга тенгли
6.	Қатнашувчи томонлар бўйича	Харидор курси Сотувчи курси Ўртача курс
7.	Инфляция ҳисоби билан	Реал Номинал

Ҳозирги пайтда замонавий шароитда валюта курси хар қандай бозор нархи сингари талаб ва таклиф таъсирида шаклланади. Валюта бозоридаги талаб ва таклифнинг мувозанати валютанинг бозордаги курсининг мувозанатлилигини ўрнатиб беради. Бу ҳолат “фундаментал мувозанат” деб юритилади. Айнан фундаментал мувозанат ҳосил бўлган ҳолат даврида валютавий спекулятив операциялар ўйини бошланғич позициясини белгилаб

олади. Мазкур давр учун Марказий банк активида бир қатор молиявий инструментлар спекулятив мақсадларга қарши йўналтирилган бўлиши лозим.

Чет эл валютасига талаб, мамлакатнинг товарлар ва хизматлар импортига, мазкур мамлакат туристларининг харажатлари, чет эл давлатларига кетувчиларига, чет эл молиявий активларга бўлган талаб ва чет эл валютасига бўлган талаб билан аниқланади. Чет эл валютаси курси қанчалик юқори бўлса, шунчалик унга талаб камаяди; чет эл валютаси қанчалик паст бўлса, унга шунчалик талаб ортади. Чет эл валютаси таклифи хажми чет эл давлати резидентларининг талаби билан аниқланади: мазкур давлатдаги чет эл туристларининг мазкур хизмат турига талаби, чет эл инвесторларининг активларга бўлган талаби ва хоказо. Шундай қилиб, чет эл валютасининг курси миллий валюта курсига нисбатан қанчалик юқори бўлса, унда миллий субъектлар миқдорининг кўпгина қисми валюта бозорида миллий валютани чет эл валютасига айрибошлаш таклифи пасаяди, ёки тескари жараён ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Бунда, қанчалик миллий валюта курси чет эл валютасига нисбатан пастроқ бўлса, у ҳолда миллий бозор субъектларининг каттагина қисми чет эл валютасини сотиб олишга ҳаракат қиладилар.

Инфляция индексларининг (PPI ва CPI) ўсиши, миллий валюта курсининг пасайишига олиб келади.

Расмий ҳисоб ставкалари (репо, ломбард) ва ялпи миллий маҳсулот (GDP) кўрсаткичларининг ўсиши миллий ва валюта курсининг жорий даврда ўсишига олиб келади.

Ишсизлик (Unemployment). Ишсизлик омили 2 та катталиқда кўриб чиқилиши мумкин:

- ишсизлик даражаси (яъни, аҳолининг ишга лаёқатлиларнинг умумий сонига ишсизлар сонининг фоиздаги нисбати);

- ишга жалб этилганлар умумий сонининг тескари кўрсаткичи.

«Ишсизлик» кўрсаткичи, одатда фоизларда нашр қилиниб; unemployment rate = 8.6 % кўринишида бўлади. Бу ҳолда ишсизлик даражасининг валюта курсига тескари боғлиқлик қуйидагича ифодаланади:

Президентимизнинг маърузасида кўпгина тараққий топган мамлакатларда вазият қандай тус олишини олдиндан айтиб бўлмайдиган ва турли хавф-хатарлар сақланиб қолаётган бир шароитда давлат қарзлари ва давлат бюджети тақчиллиги тобора ортиб бораётганига алоҳида эътибор қаратилди.

Маълумки, давлатнинг жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги ролининг узлуксиз ўсиб бориши, унинг иқтисодий ва ижтимоий вазифаларининг кенгайиши давлат бюджети харажатларининг даромадларга нисбатан ортиб кетиши, яъни бюджет тақчиллигига олиб келади. Бюджет тақчиллигининг вужудга келишига қуйидагилар сабаб бўлади:

- ишлаб чиқаришнинг пасайиб кетиши;
- харажатларнинг ҳаддан ташқари ўсиб кетиши;
- товарлар билан таъминланмаган пул эмиссияси;
- ҳарбий саноат мажмуасини молиялаштириш бўйича сарф-харажатларнинг ўсиши;
- пинҳона иқтисодиёт, унумсиз харажатлар, йўқотишлар ҳажмининг ўсиб бориши ва бошқалар.

Юртбошимиз ўз маърузасида жаҳон захира валюталарининг беқарорлиги, молия-банк тизими кредит қобилятининг кескин пасайиши ва инвестициявий фаолликнинг сусайиши билан боғлиқ мураккаб муаммолар кўплаб давлатлар иқтисодиётининг тикланиш ва ўсиш суръатларига салбий таъсир кўрсатаётгани таъкидлаб ўтилди. Сўнгги йилларда жаҳон иқтисодиётида юзага келаётган муаммолар асосан қўшимча пул босиб чиқариш ва молия бозорини шундай пуллар билан тўлдириш ҳисобидан ҳал этилиши кўзга ташланаётгани, бу эса, ўз навбатида, келгусида жиловлаб бўлмайдиган инфляцияга, яъни қимматчиликка, захира ва миллий валюталарнинг қадрсизланишига ва шу билан боғлиқ оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Молия вазирлигининг қуйидаги операциялар бўйича хорижий валютани харид қилиш ва сотишни

биржадан ташқари валюта бозорининг талаб ва таклифдан келиб чиқиб шаклланадиган эркин курсига утказиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинди:

- экспорт килувчилар томонидан валюта тушумининг 50 фоизини мажбурий сотиш;

- асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, хомашё, материаллар ва хизматлар импорта янгидан жалб қилинадиган хорижий кредитларга хизмат курсатиш;

- хорижий инвесторлар фойдаси, дивидендлари ва бошқа даромадларини репатриация қилиш;

- хизмат сафари ҳаражатлари.

Республикада инфляция асосан номонетар сиёсатга боғлиқ эканлигини кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банклари:

- валюта алмаштириш операцияларини кўпайтириш учун эркин алмаштириладиган валютадаги ресурсларни жалб қилиш воситаларидан кенгрок фойдаланиш;

- банклараро кредит, шу жумладан, хорижий валютадаги кимошди савдоларини янада ривожлантириш ва улар ҳажмларини кўпайтириш;

- туристик комплекслар, савдо марказлари, буюм бозорлари, аэропортлар ва божхона постларида алмаштириш шохобчалари тармоқларини кўшимча равишда кўпайтиришга доир комплекс кўшимча чора-тадбирларни амалга оширдилар.

Ишлаб чиқариш нархларининг ўзгариш индекси (саноат товарларининг улгуржи партиялари учун). Мазкур кўрсаткич ўтган даврга нисбатан фоизларда ҳисобланади ва инфляциянинг дастлабки белгилари сифатида намоён бўлади, чунки ишлаб чиқариш нархлари истеъмол нархлари таркибига кириб кетади.

Истеъмол нархлари индекси – инфляция даражасини бевосита акс эттирувчи кўрсаткич. Инфляция даражаси ва валюта курси ўртасида тесқари боғлиқлик мавжуд.

Инфляция ҳолатига таъсир этувчи кўрсаткичлардан бири бу муомаладаги пул массасининг миқдоридир. Пул массаси ликвидлик даражаси бўйича фаркланадиган бир нечта пул агрегатларидан таркиб топган (M0 дан M4 гача). M1 агрегати нақд пуллар ва талаб қилиб олгунга қадар депозитлардан иборат бўлиб, унинг инфляцияга таъсири энг сезиларли даражада бўлади. Муомаладаги пул массасининг ортиши ва бунинг натижасида нархларнинг ўсишига олиб келувчи сабаблардан яна бири бу давлат бюджети дефицитининг миқдоридир, бироқ кўпинча бу кўрсаткич валюта курсининг узок муддатли ҳаракатини таҳлил қилишда қўлланилади.

Нархларнинг ошишига олиб келувчи инфляция валюта курсининг харид қобилияти паритети бўйича ўзгаришига олиб келади, шунингдек, назорат остидан чиқиб кетган ҳолда мамлакатдаги ишбилармонлик фаолиятини сусайтиради, ЯММ ўсиш суръатларининг пасайишига ва мамлакатга келадиган инвестициялар оқимининг камайишига олиб келади.

Инфляция даражаси валют курси динамикасининг ҳақиқий қийматини аниқлашда ҳисобга олинади. Бунда нархлар индекси алмашув курси динамикаси билан солиштирилади. Агар муайян давр ичида (масалан бир йилда) долларнинг рублга нисбатан курсининг ошиши (ёки рублнинг қадрсизланиши) номинал қийматда рублнинг инфляциясига қараганда паст бўлса, демак, ҳақиқатда рублнинг қиймати ошган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг валюта операциялари, ҳозирги кунда, Республика Олий Мажлиси ва Хукуматимиз томонидан аниқланган монетар сиёсатнинг асосий йўналишларига мувофиқ амалга оширилмоқда. Ушбу мақсадларга қуйидагилар киради:

- экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқариш билан машғул бўлган корхоналар;
- чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарнинг Ўзбекистонда ишлаб чиқариш фаолияти натижасида олган фойдалари ва дивидентлари;
- Республикамиз иқтисодиётининг етакчи тармоқларидаги устувор лойиҳаларда қатнашаётган корхоналарнинг сўм маблағлари;

- халқаро туризм хизмати, халқаро алоқалар бўйича хизмат сафари ва хорижда таълим олиш билан боғлиқ харажатлар.

Ушбу мақсадлар учун валюта савдосини амалга ошириш тартиби фақат Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки операциялари амалга ошириш учун зарур бўлган барча асосларга эга.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг валюта сиёсати доирасида амалга оширадиган асосий вазифалардан бири мамлакатда тижорат характеридаги валюта операцияларини ривожлантириш учун қулай муҳит яратиш ҳисобланади. Бунинг учун эса валюта бозорини ривожлантириш зарур. Чунки, ҳар қандай турдаги валюта операцияси-своп, форвард, валютавий опционлар ва фьючерслар билан боғлиқ операциялар пировард натижада спот бозорининг ликвидлигига боғлиқ.

Валюта курси барқарорлигининг таъминланиши ҳар бир давлатда ўзига хос қонун-қоидаларга мувофиқ амалга оширилади. Мазкур жараён давомийлигида бир қатор муаммоларнинг келиб чиқиши табиийдир.

Дунё мамлакатларининг аксарият қисмида ҳозирги миллий валюта курслари импорт товарлари бозорида ўз вазифаларини яхши бажарса ҳам, ammo курс ҳамонлигича нореал бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда, мазкур давлатларда қуйидаги долзарб муаммолар мавжуд:

Валюта сиёсатини эркинлаштириш орқали мамлакат ички ҳажмларини ва сифатини ошириш учун зарур инвистиялар ва замонавий технологияларни жалб қилиш имконияти яратилади. Бу эса миллий валютанинг қадрини ошишига олиб келади.

Миллий валюта – миллий ифтихор, давлат мустақиллигининг рамзи, суверен давлатга хос белгидир. Бу республикага тегишли умумий бойлик ва мулкдир. 1994 йил 1 июлдан Ўзбекистон республикаси ҳудудида тўла қийматли миллий валюта – ягона қонуний тўлов воситаси бўлган сўмнинг муомалага киритилиши ҳақиқатан ҳам инқилобий қадам бўлди. Бу бутун иқтисодиёт ислоҳотида сифат жиҳатидан янги босқич бошланганлигидан

дарак берди. Биз бирор кишининг иродасига боғлиқ бўлмаган, Ўзбекистон халқининг манфаатларига мос молиявий, пул-кредит сиёсатини ва умуман бутун иқтисодий сиёсатимизни амалга оширишнинг аниқ механизмига эга бўлдик. Бу тадбирларни амалга оширишга узоқ вақт пухта тайёрганлик қурилди. Бугинги кунда энг муҳим вазифа-валютаимизни бақувват, дунёда обрўли валютага айлантиришдир. У юксак қийматга ва катта кучга эга бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси ҳам, ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий мустақилликка эришганидан сўнг, ҳар бир жорий йил учун пул-кредит ва бюджет-солиқ сиёсатларига стратегик муҳим лойиҳаларни ишлаб чиқади. Мазкур чора тадбирларни амалга ошириш мобайнида иқтисодий жиҳатдан жуда нозик масала миллий валюта курси барқарорлиги ва валюта билан боғлиқ умумий муаммоларнинг келиб чиқиши долзарб муаммолигича қолмоқда. Хусусан:

Ўзбекистон Республикаси Валюта Биржасининг тўлиқ ва самарали фаолият юритмаётганлиги, фаолият тўғрисидаги ҳисобот ва натижаларни эълон қилмаслиги;

1. Мамлакат хом-ашё базаси режимидан ишлаб чиқариш базасининг функционал режимига ўтиши;
2. Ишлаб чиқариш инфратузилмасининг нобарқарорлиги ва сустраражада фаолият олиб бориши;
3. Экспортчиларга ўрнатилган турли шакилдаги бюрократик тўсиқлар;
4. Экспортчиларнинг халқаро бозорда фаолият юритиши учун зарур бўлган билим ва кўникмаларнинг йўқлиги;
5. Халқаро бозорга чиқиш учун экспорт маҳсулотларига белгиланган сифат талабининг тарқоқлиги;
6. Бошқа инфратузилмавий муаммолар.

Сўмнинг барқарорлигини таъминлаш ва кадрини ошириш-умуммиллий вазифа. Республикаимиздаги барча фуқароларнинг фаровонлиги ана шу вазифанинг ҳал этилишига боғлиқдир. Шу сабабли ислохотлар иккинчи

босқичининг стратегик жихатдан устувор вазифаси сўмнинг қувватини тобора ошириб боришдир. Унинг ички алмашувига, бақувват валюталар билан эркин алмашинувига эришмоқ лозим. Ҳар биримизнинг, республикадаги ҳар бир кишининг, барча корхоналар аҳволининг яхшилиги миллий валютанинг муомаладаги барқарорлигига боғлиқ. Миллий валютанинг барқарорлиги, унинг ички бозорда эркин алмашинуви етарли миқдордаги рақобатбардош маҳсулотлар, зарур резервлар орқали таъминланади. Бунга эришмоқ учун биз аниқ вазифаларни ҳал этишга қаратилган тўртта алоҳида дастурлар тўпламини ишлаб чиқдик ва амалга оширмоқдамиз.

Биринчидан – ўз валютамыз товар билан барқарор таъминланган тақдирдагина реал куч ва обрўга эга бўлади. Сўмнинг харид қувватини ошириш учун республика бозорини мумкин қадар тезроқ истеъмол моллари билан тўлдириш зарур. Бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган моллар билан ҳам, четдан келтириладиган моллар билан ҳам тўлдириш чораларини кўриш керак. Бунда ғоят муҳим вазифа одамларнинг энг зарур талабларини қондирувчи ўз маҳсулотимизни ишлаб чиқаришни имкони борича кенгайтиришдан иборат. Бунинг учун биз, мулкчилик шаклидан қатъи назар, халқ учун мол ишлаб чиқарадиган корхоналарга ҳар томонлама ёрдам кўрсатамыз, бу соҳага инвестицияни биринчи навбатда йўллаймыз, уларни хом ашё ва кредит ресурслари билан таъминлаймыз.

Иккинчидан, валютанинг барқарор амал қилиши, унинг муқимлиги, эркин алмашинуви етарли валюта захираси бўлишига боғлиқ. Бизнинг валютамыз ҳар қандай барқарор валютага эркин алмашина оладиган бўлсагина, у тан олинган ва ҳурмат қозонган валюта бўлади. Бунинг учун бутун ташқи иқтисодий сиёсатимизни тубдан қайта кўриб чиқиш зарур. Биз қайта-қайта таъкидлаб келмоқдамизки, ислоҳотларнинг асосий устувор йуналишларидан бири-экспорт имкониятини кенгайтириш, корхоналарни экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналарга айлантириш, жаҳон бозорида ўз мустаҳкам мавқеимизни қўлга киритишдир. Биз корхоналар

жаҳон бозорида рақобатга бардош берадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни кенг кўламда авж олдиришлари учун рағбатлантирувчи омилларни вужудга келтиришимиз зарур. Улар жаҳон бозорига ҳар қандай рақобатга бардош бера оладиган маҳсулот билан тезроқ чиқишлари, барқарор валюта ишлаб топишни ўрганишлари, барқарор валюта ишлаб топишни ўрганишлари, республика хазинасини тўлдиришлари керак. Бу эса уларнинг давлат олдидаги, ўз жамоаси ва бутун халқ олдидаги муқаддас бурчидир.

Учинчидан – ҳар бир корхона, ҳар бир киши ишлаб топган сўмини кадрлашни ўрганган тақдирдагина миллий валюта реал тўлов воситасига айланади. Биз миллий валютани ҳурмат қилишни, у билан фахрланишни, уни эҳтиёт қилишни ўрганиб олишимиз даркор. Валюта – ҳар бир фуқаро меҳнатининг ўлчови ва баҳосидир. Бунинг учун қатъий молиявий-кредит сиёсатини изчиллик билан ўтказиш зарур. Биз ўз молиямиздан ишнинг кўзини билиб, эҳтиёткорона ва тежаб-тергаб фойдаланишимиз, унинг беҳуда сарфланиб кетишига йўл қўймаслигимиз зарур. Халқ хўжалигида сарфланган ҳар бир сўм салмоқли фойда билан қайтиши, эртанги кунга, республика истиқболига хизмат қилиши керак. Корхоналар, тадбиркорлар давлатдан ўзлари оладиган маблағлар, кредитлардан самарали ва муайян мақсад йўлида фойдаланиш учун катта масъулият сезиш керак. Кредитларнинг ўз вақтида қайтарилишига эришмоқ даркор.

Тўртинчидан – миллий валютани мустаҳкамлашнинг энг муҳим шартинфляцияга қарши бақувват, пухта ўйланган сиёсат ўтказишдир. Инфляция даражасини кескин камайтиришгина миллий валютани барқарор валютага айлантира олиши мумкин. Бу ёш валютамиз қувватли ва яшовчан бўлишининг гаровидир. Сўм ўзинининг юксак тўлов қобилиятини узок муддат давомида сақлаб қолган тақдирдагина миллий валютамиз ўз қувватига ва обрўсига эга бўлади. Биз ўз “сўм”имиз ана шундай қувватга эга бўлиб бораётганини ҳозироқ ҳис қилмоқдамиз. Инфляция сезиларли даражада пасайди. Ана шу ижобий тамойилни мустаҳкамлаш керак. Муомалага чиқарилган ҳар бир сўм муайян миқдордаги моллар ва

хизматларда намоён бўлиши, оила фаровонлигига хизмат қилиши қатъий қоидага айланиши лозим. Савдо корхоналарининг ишини тубдан яхшилаш зарур. Ҳозир уларнинг ҳаммаси хусусийлаштирилган. Ишни савдо ташкилотлари Харидор учун ўзаро кўраш олиб борадиган, Харидор учун, унинг талабларини қондириш учун ишлайдиган қилиб йўлга қўйиш керак. Харид қилиш учун моллар етарли бўлмаган ҳолда аҳоли қўлида пулнинг ортиқча кўпайиб кетиши аввало нархларнинг ошишига, инфляциянинг яна авж олишига олиб боради. Бунда гиперинфляция авж олишига олиб боровчи хатарли ҳодисалар занжири вужудга келиши хавфи туғилади. Хусусан, товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва тақсимлашда якка ҳокимлик мавжуд бўлган, нархлар эркинлаштирилган шароитда истеъмол бозарида уларнинг етишмаслиги, товар ишлаб чиқарувчи корхоналар ва савдо ташкилотларини нархларини оширишга ундайди. Натижада реал иш ҳақи пасаяди, аҳолининг Харид қобилияти ва унинг амалдаги истеъмол даражаси чекланади. Аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш, одамлар турмуш даражасининг кескин пасайишига йўл қўймаслик мақсадида давлат аҳоли даромадлари нисбатини ўзгартириш, энг кам ва ўртача иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар миқдорини ошириш тадбирларини кўришга мажбур бўлмоқда. Тўловга қобил талаб ортиб бормоқда. Аммо истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш оширилмаса, бу талаб қондирилиши мумкин эмас. Моллар етишмаслиги, нархларнинг ўсиши давом этаверади, бу жараён кенгайиб, ҳалокатлироқ кўлам олиши мумкин. Ана шу ҳалокатли доира бўйича пойгани тўхтатиш юзасидан аниқ, кескин чоралар кўрилмаса, бу нарса ўзлуксиз такрорланаверади. Пул миқдорининг ва нархларнинг тобора ошиб бориши муқаррар равишда узоқ давом этадиган гиперинфляцияни келтириб чиқаради. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиёт тизгини қўлдан чиқиб кетишига, бутун ишлаб чиқаришнинг издан чиқишига, аҳоли кенг табақаларининг қашшоқланишига ва ижтимоий ларзаларга, яъни бутун иқтисодий тизимнинг барбод бўлишига олиб келади. Уни қайта тиклаш учун кейинчалик кўп йиллар ва жуда катта маблағ сарфлашга тўғри келади.

Ички бозорни моллар билан тўлдириш-миллий валюта барқарорлигининг ва аҳоли турмуш даражасини ўстиришнинг энг муҳим шартидир. Шу сабабли истеъмол фондининг ўсиши билан ишлаб чиқаришнинг ўсиши устидан назоратни таъминлаш лозим. Бунга риоя қилинмаса, гиперинфляция келиб чиқиши мумкин. Нақд пул ва кредит эмиссиясининг ўсишига, аҳоли қўлида пулнинг ҳаракатсиз туриб қолишига йўл қўймаслик биринчи даражали вазифага айлонмоқда.

Белгиланган тўртта дастернинг амалга оширилиши миллий валютамининг мустаҳкамланишига, муқим валюталарга нисбатан унинг алмашув курсининг барқарорлашувига албатта ёрдам бериши керак.

Чет элга тўловлар ҳажми, чет элдан келадиган тушумлардан кичик ҳажмга эга бўлган тақдирдагина, мамлакат тўлов балансида ижобий сальдони ташкил этади. Бевосита, бунинг таъсирида миллий валюта курси кўтарилади. Савдо баланси ташқи савдо операцияларининг тўлов балансини намоён қилади. Бунда: агар экспорт импортдан юқори бўлса, бу савдо балансидаги ижобий сальдо. Экспортчилар, чет эл валютасидаги тушумларни олиб, уни миллий валютага айирбошлайдилар. Бу эса, миллий валюта курсининг ўсишига олиб келади. Бунга мисол қилиб, Япония ва Германиядаги одат тусига кириб қолган савдо балансидаги ижобий сальдони келтиришимиз мумкин. Қайсиким, иена ва немис маркаси курсларининг бошқа валюталарга нисбатан ошишига олиб келади.

Юқорида айтилган мулоҳазаларни ҳисобга олиб, бир қанча қўшимчалар ва таклифларни киритишимиз мумкин. Хусусан, ҳар бир мамлакат ўз иқтисодий стратегиясидан келиб чиқиб, миллий валюта курсини бошқаради. Ҳамда миллий валюта курсини тушириш ёки кўтаришнинг салбий ёки ижобий оқибатлари мамлакатнинг ўз ички хусусиятларидан келиб чиқади. Улар:

- Валюта курсини ҳаддан ташқари қадрини тушириш (девальвация қилиш) инфляцияни келтириб чиқаради. Девальвациянинг салбий оқибатларидан бири, бу четдан келадиган хом-ашё, техника ва

технологияларни қимматлашувидир. Бу эса, ишлаб чиқарилган маҳаллий товарларнинг таннархи ошувига олиб келади.

- Мамлакат миллий валюта курсини тушириб, аммо ички ишлаб чиқариш тугри йулга қуйилмаса, миллий товарлар ташқи рақобатга бардош бера олмайди. Чунки, товар нархи паст бўлса ҳам, реал сифати яхши бўлмаслиги аниқ. Шунинг учун, ҳар бир мамлакат жаҳон бозорига чиқишидан аввал, ички ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириши зарур.

- Мамлакатнинг ташқи савдога иқтисодий чекловлари: квота, тариф, солиқлар орқали импортни чеклаш, ҳамда экспортчиларга турли имтиёзлар яратиш --- миллий валюта курсини кераксиз девальвация ёки ревальвация қилишдан фориғ этади.

Ўзбекистон Республикасининг «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Марказий Банки мамлакатдаги курс бошқаруви ва валютавий операциялар бўйича назоратни олиб боради.

Сўмни барқарорлаштиришга эришиш асосий мақсад эмас, балки иқтисодий ривожланишга эришиб, Ўзбекистон иқтисодиётида таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг кучли бевосита омили бўлиб хизмат қилади. Бу муаммоларни ечишда ўзимнинг қуйидаги таклифларимни киритмоқчиман:

– Мамлакат Марказий Банки айрбошлаш курси билан пулга бўлган таклифни бошқариб туриши лозим.

– Умумиқтисодий ҳолатнинг барқорорлигини таъминлаш;

– Чет эл валютаси бозорини либераллаштириш, ташқи иқтисодий фаолиятни яхшилаш, экспортни рағбатлантириш, импорт маҳсулотларига белгиланган божхона божларини пасайтириш ва ҳоказо;

– Экспортчилар учун самарали консалтинг хизмат тизимини ривожлантириш;

– Тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш мақсадида мамлакатда очиқ иқтисодий ҳолатни ташкил этиш;

– Сармояни йиғишга йўналтирилган стратегияни ҳукумат миқёсида ишлаб чиқиш;

– валюта савдолари, заҳиралари бўйича расмий маълумотларни очиқлигини таъминлаш;

– Давлатлараро евроазэс ташкилоти ҳамкорлиги доираасида белгиланган мажбуриятларни бажарилишини фаоллаштириш ;

– Валюта курс барқарорлигини оширишнинг асоси бўлган-валюта заҳираларининг ошириш учун миллий ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш, экспортни диверсификациялаш, тариф, квота ва солиқларни енгиллаштириш лозим.

– Марказий Банкнинг монитар сиёсатини, ҳукуматнинг фискал, солиқ ва бюджет сиёсатларига мослаштириш лозим.

– Валюта назорати ва бошқаруви бўйича қонун чиқарувчи Қарор, мейёрий Актлар такомиллаштирилиб, иложи борича, қискартириш ва осонлаштирилиши зарур;

– валюта қонунчилиги бўйича билимини ошириш, кадрлар сиёсатини кенгайтириш, оммавий ахборот воситаларини валюта қонунчилиги ва янгиликлари билан доимий равишда таништириш тизимини енгиллаштириш лозим.

Шундай экан, бугунги кунда мамлакатимизда юқоридаги ишларни амалга ошириш учун барча шарт-шароитлар мавжуддир.